



Аллоҳ таоло “Мужодала” сурасининг 11-оятида шундай дейди:

«Эй мүминлар, қачон сизларга (мажлис-сұхбатларда дүст-
биродарларингиз келиб: «Бизларга ҳам шу мажлисдан) **жой**
беринглар», дейилса, дархол жой беринглар, **Оллох сизларга
ҳам (Үз жаннатидан) **жой берур.**»**

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир киши бошқа бир кишини ўрнидан тургизиб, унинг ўрнига ўтирумасин. Балки, орани очиб, жой беринглар», дедилар.

«**Любимые места**»: «**Любимые места**») «**Любимые места**»).

Имом Муслим Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биронтангиз ўтирган ўрнидан туриб, сўнг яна қайтиб келса, у ўша ерга ҳақлироқдир», дедилар.

□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□
 □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□□□
 □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□) □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□).

Имом Абу Довуд ва имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Жобир ибн



Ислом Нури

Самура розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келсак, мажлис тугаган ерга ўтирадик.

Имом Муслим ва имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Жобир ибн Самура розияллоху анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайхі ва саллам масжидга кирдилар, одамлар бир неча ҳалқа бўлиб ўтиришган эди, «Бу нимаси, нега бўлиниб-бўлиниб ўтирибсизлар?!» дедилар.

Шарх:

Мажлисда йиғилиб ўтириш ва тарқоқ бўлмаслик, шунингдек, бир киши бировнинг ўрнига ўтириш мақсадида уни ўрнидан тургизиб юбормаслиги Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўллаган ўтириш одобларидан. Ўтирганлар сурилиб, янги келган одамга жой беришлари лозим. Агар бир одам ўтирган ўрнидан туриб кетиб, кейин яна қайтиб келса, ўз ўрнига ўтиришга ҳақлироқдир. Янги келган одам эса қаерда бўш жой бўлса, шу ерга ўтиради.

Бүгүнги дарсдан олиналыган фойдалар:

1. Ўтиришларда жамланиш ва тарқоқ бўлмаслик суннат.
 2. Ўтирган одамни тургизиб, ўрнига ўтирилмайди, балки ўтирганлар сурилиб жой беради.
 3. Янги келган одам қаерда бўш жой бўлса, ўша ерга ўтиради.
 4. Бир одам ўтирган жойидан туриб кетиб, кейин яна қайтиб келса, ўз жойига ҳақлироқ.